

28.11.2022 йил

МАХСУЛОТ СОТИШ ВА ХАРИД КИЛИШ
№ 33 СОНЛИ ШАРТНОМА.

Кува тумани.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "BEGAT HILOL" МЧЖ (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталади) номидан раҳбар Ф.Ашурматов биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юригувчи "Харидор" деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1.1. "Сотувчи" "Харидор"га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради:

1.2. Мазкур шартномани умумий қиймати :

3780000 (Ҳақдорнинг етказиб берилган маҳсулотлари учун)

1.3. Маҳсулотлар қуйидаги турларда етказиб берилади :

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Сабзи	кг	1200	3150	3780 000
2					
3					
Жами :					3780 000

2. ХИСОБ-КИТОВ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 2.1. Маҳсулот учун тулов пул утказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.2. Харидор шартнома умумий суммасининг 30 % яъни 1134 000 сўмни аванс тариқасида шартнома тўлиқ кучга кирган кундан бошлаб 5 банк иш куни мобайнида, қолган яъни 2646 000 сўмини маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотни етказиб берган кундан бошлаб, 10 банк иш куни давомида маҳсулот етказиб берувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган нархлар асос қилиб олинади.
- 2.4. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ "Сотувчи" зиммасидан қопланади.
- 2.5. Шартнома суммасидан ортиқ маҳсулот етказиб берилганда ("Харидор" огоҳсиз бажарилганда) ҳисоб - китоб "Харидор" томонидан амалга оширилмайди.

3. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

- 3.1. Маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотни ҳисоб рақамга аванс маблағ қилиб тушгандан 5 банк иш кунида етказиб беради.
- 3.2. "Харидор" шартномада белгиланган маҳсулотларни муассасаларга сифатли ҳамда бут ҳолда олиб кетади ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.
- 3.3. Етказиб берилган маҳсулот учун маъсул шахс томонидан ҳисоб-вароқ фактурага қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиб олган вақтдан бошлаб Харидор мулкига айланади.

4. МАХСУЛОТНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ.

- 4.1. Буюртмачи ваколатли шахс қабул қилиб олиш жараёнида маҳсулотнинг ишга яроқлилигини сифатини, микдори жиҳатдан шартномага мос келишини текшириб олиши лозим. Маҳсулот тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг маҳсулотни қабул жавобгарлиги Харидор ваколатли шахс зиммасига ўтади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТИ.

- 5.1. "Сотувчи" "Харидор" томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда омалоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради.
- 5.2. "Сотувчи" маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификата, улосаси ва ҳаказолар). ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотларни етказиб беришга афлат беради.
- 5.3. "Сотувчи" ҳужжатлар тугри расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади. ҳамда маҳсулотларни муассасаларга етказиб беради.
- 5.4. "Харидор" шартномада кўрсатилган маҳсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.
- 5.5. "Харидор" қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, "Сотувчи"га ёзма алоқатнома (АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни "Сотувчи"га қайтариб беради.
- 5.6. "Сотувчи" "Харидор"га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган маҳсулотлар беради. Агар "Сотувчи" томонидан Харидорнинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган микдоридан ортиқ берган ҳолларда бу маҳсулотлар учун "Харидор" томонидан ҳақ тўланмайди.
- 5.7. "Сотувчи" томонидан "Харидор"га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар "Сотувчи"га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.
- 5.8. "Сотувчи" етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва ишга кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб - варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштирилиши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб - варақлар бўйича тулов амалга оширилмайди.

